

Oriental Journal of Education



PROSPECTS FOR ENSURING INTERNATIONAL ENERGY SECURITY WITHIN THE FRAMEWORK OF THE SHANGHAI COOPERATION ORGANIZATION

Aqiliddin Isamutdinovich Alimov

head of the department, doctor of philosophy (PhD) in political sciences, associate professor

Tashkent State University of Oriental Studies

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: aqiliddin@mail.ru

ABOUT ARTICLE

Key words: Energy security, energy diplomacy, SCO "Energy Club", "Energy Hub", strategic energy projects, trade-economic, investment cooperation.

Received: 20.04.24

Accepted: 22.04.24

Published: 24.04.24

Abstract: This article analyzes the issues of ensuring international energy security within the SCO, the promising directions of economic and energy cooperation between the SCO countries, the development trends of multilateral energy cooperation within the organization, the possibilities of implementing mutually beneficial energy projects, the characteristics of the development of renewable energy sources in the member states of the organization.

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ДОИРАСИДА ХАЛҚАРО ЭНЕРГЕТИКА ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Оқилиддин Исамутдинович Алимов

кафедра мудири, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Тошкент давлат шарқишунослик университети

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: aqiliddin@mail.ru

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: энергетика хавфсизлиги, энергетика дипломатияси, ШХТ “Энергетика клуби”, “Энергетика хаби”, стратегик энергетика лойиҳалари, савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамкорлик.

Аннотация: Мазкур мақолада ШХТ доирасида халқаро энергетика хавфсизлигини таъминлаш масалалари, ШХТ мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий-энергетика ҳамкорлигининг истиқболли йўналишлари, ташкилот доирасида кўп томонлама энергетика ҳамкорлигининг ривожланиш тенденциялари, ўзаро манфаатли энергетика лойиҳаларини амалга ошириш имкониятлари, ташкилотга аъзо давлатларда қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш хусусиятлари таҳлил этилган.

ПЕРСПЕКТИВЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ МЕЖДУНАРОДНОЙ ЭНЕРГЕТИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ В РАМКАХ ШАНХАЙСКОЙ ОРГАНИЗАЦИИ СОТРУДНИЧЕСТВА

Акилиддин Исамутдинович Алимов

заведующий кафедрой, доктор философских наук (PhD) по политическим наукам, доцент

Ташкентский государственный университет востоковедения

Ташкент, Узбекистан

E-mail: aqiliddin@mail.ru

О СТАТЬЕ

<p>Ключевые слова: энергетическая безопасность, энергетическая дипломатия, «Энергетический клуб», «Энергетический хаб», стратегические энергетические проекты, экономическое, сотрудничество.</p>	<p>Аннотация: В данной статье анализируются вопросы обеспечения международной энергетической безопасности в рамках ШОС, перспективные направления экономического и энергетического сотрудничества стран ШОС, тенденции развития многостороннего энергетического сотрудничества в рамках организации, возможности реализации выгодных энергетических проектов, особенности развития возобновляемые источники энергии в государствах-членах организации.</p>
--	---

КИРИШ

Бугунги кунда жаҳонда глобал сиёсий ва иқтисодий моделларнинг тубдан трансформацияси жараёни яққол намён бўлмоқда. Давлатлар ўртасидаги ҳар қандай зиддият ва низолар турли соҳаларда, шу жумладан энергетика соҳасида ҳам ихтилоф ва қарама-қаршилиқни кучайтирмоқда. Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар ҳамда кузатувчиларнинг диққат марказида бўлиб келаётган энергетика хавфсизлиги масаласи аъзо давлатлар ўртасидаги ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий муносабатларни фаол ривожлантириш, ташкилотнинг умумий ривожланишига кўмаклашиш ҳамкорликда муҳим омил бўлмоқда.

АСОСИЙ ҚИСМ

ШХТ таркибида “Энергетика клуби”ни тузиш мазкур ташкилотнинг энергия ресурсларини ишлаб чиқарувчи, истеъмолчи ҳамда транзит мамлакатларини ўз ичига олган ташкилот сифатидаги ўзига хослиги билан боғлиқ эди. Бундан ташқари, ШХТ давлатларида асосий мегаполислардан узоқда жойлашган жўғрофий ноқулай ҳудудларнинг мавжудлиги муқобил энергетикани ривожлантириш заруриятини келтириб чиқармоқда. ШХТда кузатувчи давлатлар ва мулоқот бўйича ҳамкорларнинг аксарияти ҳамкорликка тайёр эканликларини билдирганига қарамай, алоҳида давлатларнинг деконструктив позицияси туфайли махсус ишчи гуруҳ ва Энергетика клубини шакллантириш анча секинлашди.

Бугунги кунда ШХТ Ишбилармонлар кенгаши Энергетика клубини шакллантиришда фаол иштирок этишга тайёр. Энергетика соҳасидаги ҳамкорликнинг асосий йўналишларини

(асосан икки томонлама асосда) ишлаб чиқиш жараёни давом этмоқда. Келажакда ШХТ Энергетика клуби давлат-хусусий ҳамкорлик асосига эга бўлган ва биринчи босқичда нафақат йирик лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш, балки мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишга ёрдам берувчи мунозара майдони сифатида фаолият юритувчи ноёб тузилма сифатида шаклланиши мумкин.

ШХТга аъзо давлатларнинг миллий манфаатлари ва уларнинг умумий салоҳияти ҳамкорликнинг ушбу соҳасининг долзарблигини белгилайди ва Ташкилотни иқтисодий интеграциянинг муҳим платформаси сифатида кўриб чиқиш имконини беради. ШХТ мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш иштирокчи давлатлар эга бўлган муҳим ресурс ва иқтисодий салоҳиятга асосланиши керак.

ШХТ мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг қуйидаги истиқболли йўналишларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- энергетика соҳасида ҳамкорлик;
- транспорт коммуникацияларини ривожлантириш;
- меҳнат миграцияси ва илмий-техникавий соҳалардаги ҳамкорлик.

ШХТ жаҳоннинг йирик энергия ресурслари етказиб берувчилари, истеъмолчилари ва транзит мамлакатларини бирлаштирганлиги сабабли энергетика соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик кўп томонлама муносабатларнинг жуда муҳим ва айна пайтда жуда муаммоли таркибий қисми ҳисобланади.

ШХТ доирасида нафақат икки томонлама, балки кўп томонлама энергетика лойиҳаларини ҳам самаралироқ амалга ошириш имконини берадиган Энергетика клубини яратиш ва фаолият юритиш заруриятини айнан мана шу омил белгилаб берди.

ШХТ Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг 2023 йилдаги йиғилишида Эрон минтақавий “Энергетика хаби” ташкил этиш ташаббусини илгари сурди. Ташкилот доирасида энергия хабини яратишдан мақсад савдо ва энергия алмашинуви, шунингдек, ташкилотга аъзо мамлакатларнинг энергетика хавфсизлигини таъминлашдан иборатдир.

Эрон таклифига кўра, у ерда қайта тикланадиган манбалардан олиннадиган ёқилғи, электр энергияси ва энергия алмашинуви ва савдоси амалга оширилиши мумкин. Бундан ташқари, Эрон нефт-кимё лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш учун манфаатдор инвестор давлатлар фондини ташкил этишни ҳам таклиф қилди.

Аҳамиятли жиҳати, Эроннинг ушбу ташаббуси кўпроқ тижорий характерга эга бўлиб, ШХТнинг энергия хаби доирасида, биринчи навбатда, энергия ресурсларини сотиб олиш ва сотиш, шунингдек, нефт ва газ лойиҳаларига сармояларни жалб қилиш режалаштирилган.

Сўнгги йилларда ШХТга аъзо давлатлар ва кузатувчилар энергетика соҳасидаги ҳамкорликнинг ягона концепциясини шакллантириш ва амалга ошириш бўйича фаол иш олиб

бормоқда. Шу тариқа, ШХТ давлатлари алоқаларни ўрнатишга ва кўп томонлама форматда энергетика лойиҳаларини илгари суришга интилоқда (гарчи аксарият ҳолларда ШХТ доирасидаги энергетика соҳасидаги ҳамкорлик ҳали ҳам икки томонлама характерга эга бўлсада). ШХТга аъзо давлатлар ўртасидаги энергетика соҳасидаги кўп томонлама ҳамкорлик формати, бир томондан, улар учун стратегик муҳим геосиёсий ва геоиқтисодий аҳамиятга эга бўлса, иккинчи томондан, логистика ва энергия нархини белгилаш механизми билан боғлиқ маълум хавфларни келтириб чиқаради.

Сўнги йилларда глобал энергетика соҳасидаги ҳамкорликда янги тенденция пайдо бўлди: ишлаб чиқариш маркази “ғарбга”, истеъмол маркази эса “шарққа” силжимоқда. Бундай шароитда Россия нефть ва табиий газ қазиб олишнинг доимий юқори даражасини сақлаб келмоқда, бу Ҳиндистон ва Хитойда энергия истеъмоли даражасининг ошиши билан боғлиқ. Бундан ташқари, энергия ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишнинг халқаро тузилмасидаги ўзгаришлар, бир томондан, ШХТга аъзо давлатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг янада яқинлашишига, иккинчи томондан, уларнинг ўзаро боғлиқлигига олиб келди. ШХТ таркибида ҳам йирик энергия ишлаб чиқарувчи давлатлар (Россия, Қозоғистон, Ўзбекистон), ҳам энергия истеъмол қилувчи давлатлар (Хитой, Ҳиндистон, Покистон) мавжуд.

Шу тариқа, ШХТ анча тор ҳарбий-сиёсий блокдан сиёсий, иқтисодий, энергетика, савдо, илмий ва маданий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга, шунингдек, таълим, транспорт, логистика ва бошқа соҳалардаги муносабатларни ривожлантиришга кўмаклашувчи энг йирик халқаро ташкилотга айланди. Шу билан бирга, ШХТга аъзо давлатлар иқтисодиёт, энергетика, ҳарбий соҳа ва инсон ресурслари бўйича энг муҳим салоҳиятга эга.

Ташкилот ташкил топганидан бери энергетика соҳасидаги ҳамкорлик ШХТ фаолиятининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келган. 2019-йилда қабул қилинган ташкилот давлатлари ўртасида 2035-йилгача бўлган даврга мўлжалланган савдо-иқтисодий ҳамкорлик дастурига кўра, энергетика соҳаси алоҳида йўналиш сифатида ажратилган. Бу борадаги ҳаракатларни мувофиқлаштириш “Энергетика клуби” орқали амалга оширилади.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Энергетика клубининг ташкил этилиши жуда ўринли қадам бўлди, деб айтиш мумкин. Чунки ШХТ давлатлари ёқилғи-энергетика ресурслари: нефть, табиий газ, кўмирнинг катта захираларига эга, шунингдек, энергия ва энергия ресурсларининг дунёдаги энг йирик истеъмолчилари ҳисобланади. Жаҳон нефть захираларининг 28% ШХТ давлатлари ҳудудида жамланган. Нефть захиралари бўйича етакчи давлатлар Эрон (жаҳон захираларининг 9% дан кўпроғини ташкил қилади) ва Россия (жаҳон захираларининг 6% дан ортиғи) ҳисобланади. Қозоғистон ва Хитой жаҳон нефть захираларининг мос равишда 1,7 ва 1,5% ни ташкил қилади. Кўришиб турибдики, ШХТга аъзо

давлатлардан фақат Россия, Қозоғистон ва Эрон нефть импортининг қўшимча ҳажмларисиз ўз истеъмол эҳтиёжларини қондириши мумкин.

ШХТ мамлакатларида нефтдан ташқари табиий газнинг катта захиралари мавжуд. Аъзо давлатлар орасида табиий газ захиралари бўйича етакчи ўринлар жаҳон захираларининг деярли бешдан бир қисмига тўғри келадиган Россия, Эрон (17%), шунингдек, Хитой (тахминан 4,5%) ва Қозоғистон (тахминан 1,2%) ҳисобланади. Табиий газнинг ортиқча қолдиғи фақат Россия, Эрон, Ўзбекистон ва Қозоғистон учун хос бўлиб, ШХТнинг бошқа мамлакатлари турли даражада унинг импортига боғлиқ.

Мамлакатларнинг кўмир саноатини ривожлантириш салоҳияти ҳам катта аҳамиятга эга. ШХТга аъзо мамлакатлар ҳиссасига жаҳон кўмир захираларининг деярли 2/5 қисми тўғри келади, уни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш ҳажми эса дунё кўмирининг 2/3 қисмидан ошади. Хитой, Ҳиндистон ва Қозоғистон, шунингдек, Россиянинг бир қатор минтақалари учун кўмир иссиқлик энергетикасидаги асосий ёқилғи сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда.

ШХТ давлатлари анъанавий энергия манбаларидан ташқари қайта тикланувчи энергия манбалари ва атом энергетикасини ривожлантириш бўйича ҳам муҳим чоралар кўрмоқда. ШХТ мамлакатлари орасида Хитой қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш бўйича етакчи ҳисобланади. 2023 йилда Хитойда шамол электр станцияларининг ўрнатилган қуввати дунё бўйича 40 фоизга етди. Шунингдек, шамол электр станциясининг ўрнатилган қувватининг тахминан 5% Ҳиндистон ҳиссасига тўғри келади, Покистон ва Россия Федерациясининг ҳар бирига 0,2% тўғри келади. Умуман олганда, ШХТ мамлакатларида шамол энергиясини ишлаб чиқаришнинг ўрнатилган қуввати умумий ҳисобда 45% дан ортиқни ташкил қилади.

Хитойда қуёш электр станцияларининг ўрнатилган қуввати дунё умумий ҳажмининг 36% дан ортиғини, Ҳиндистоннинг улуши тахминан 6% ни, Покистоннинг улуши тахминан 0,1% ни ва Россиянинг улуши 0,2% ни ташкил қилади. Шундай қилиб, ШХТ қайта тикланадиган энергия манбалари бўйича ҳам дунёда етакчи ҳисобланади, ташкилотга аъзо давлатлар дунёдаги ўрнатилган қувватларнинг 2/5 дан ортиғини ташкил қилади.

ШХТнинг гидроэнергетика соҳасидаги салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, иштирокчи-давлатлар гидроэлектр станцияларида ишлаб чиқарилаётган жаҳон электр энергиясининг 2/5 қисмига тўғри келади. ШХТ давлатлари орасида бу кўрсаткич бўйича ҳам етакчи Хитой бўлиб, у жаҳон электр энергиясининг 30% дан ортиғини гидроэлектр станцияларида ишлаб чиқаради, ундан кейин Россия (5%), Ҳиндистон (3,8%), Покистон (0,6%), Эрон (0,3%), Қозоғистон (0,2%) ва Ўзбекистон (0,1%) туради.

Шу билан бирга, ШХТ аъзолари ўртасида геотермал манбалар, биомасса ва қайта тикланадиган энергия манбаларининг бошқа турларидан фойдаланган ҳолда электр энергиясини ишлаб чиқариш салоҳияти сезиларли даражада фарқ қилади. Бу ерда сўзсиз етакчи Хитой бўлиб, у қайта тикланадиган энергия манбаларининг ушбу турларидан дунёда ишлаб чиқариладиган электр энергиясининг 22% дан сал кўпроғини ташкил этади. Хитойдан кейин дунё электр энергиясининг 4,7% га тўғри келадиган Ҳиндистон ва ташкилотнинг қолган мамлакатлари биргаликда геотермал энергия, биоёқилғи ва бошқа қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда глобал электр энергияси ишлаб чиқаришнинг 0,25% кўпроқ қисмини ташкил қилади.

Атом электр станцияларида ўрнатилган қувват ва электр энергиясини ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда етакчи Хитой (14,6%), ундан кейин Россия (7,9%), Ҳиндистон (1,6%), Покистон (0,6%) ва Эрон (0,6%) туради. Шундай қилиб, ШХТ мамлакатлари атом электр станцияларида ишлаб чиқариладиган энергиянинг қарийб тўртдан бир қисми ҳиссасига тўғри келади.

Янги геосиёсий ва геоиқтисодий тарнсформациялар шароитида ШХТ давлатларининг ёқилғи-энергетика комплекси соҳасида ўзаро ҳамкорлиги ва биринчи навбатда, истиқболли қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш ШХТга аъзо барча давлатлар учун энг катта қизиқиш ва муҳим аҳамиятга эга.

Россия ва Хитой учун энг муҳим истиқболли лойиҳа «Сила Сибири-2» ва унинг давоми "Союз Восток" газ қувури ҳисобланади. Ушбу лойиҳа Россиядан Хитойга Мўғулистон орқали амалга оширилиши кутилмоқда. Лойиҳанинг тахминий қуввати йилига тахминан 50 миллиард м³ ни ташкил этиб, буни "Шимолий оқим" билан қиёслаш мумкин. Мазкур йўналишда 2023 йил бошидан буён техник-иқтисодий асослаш ишлари якунланди, магистрал газ қувурини лойиҳалаш ишлари олиб борилмоқда.

2022 йил сентябрь ойида Самарқандда бўлиб ўтган ШХТ саммити якунларига кўра, "Покистон оқими" лойиҳасини амалга ошириш бошлангани эълон қилинди. Газ қувурининг тахминий узунлиги 1 минг км дан ортиқ бўлиб, Покистон жануби ва шимолидаги газ инфратузилмасини боғлайди. Магистрал газ қувурининг лойиҳавий қуввати йилига 12,5 миллиард м³ дан сал камроқ, аммо унинг ўтказиш қобилиятини 16 миллиард м³ га ошириш мумкинлиги тахмин қилинмоқда.

Шу билан бирга, "Покистон оқими" энг йирик магистрал газ қувурларидан бири – ТАПИ (Туркманистон-Афғонистон-Покистон-Ҳиндистон) билан улаш имконини беради, деб тахмин қилинмоқда. ТАПИнинг тахминий қуввати йилига 33 миллиард м³ ни ташкил қилади. Ушбу лойиҳаларнинг амалга оширилиши Туркманистондан Покистонга табиий газ етказиб беришни таъминлайди. Бундан ташқари, томонлар Эрондан Покистон ва Ҳиндистонга табиий газ

етказиб бериш имкониятлари ва йўлларини техник-иқтисодий баҳолашни давом эттирмоқдалар (йилига 30 миллиард м³ гача қувватга эга Эрон-Покистон-Ҳиндистон газ қувурлари учун қуруқлик ва денгиз вариантлари).

Шундай қилиб, Марказий ва Жанубий Осиё туташган жойда кучли газ қувурлари тизими шакллантирилмоқда, Россия ва Марказий Осиёдан ушбу минтақага газ етказиб беришнинг умумий ҳажми, агар барча лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилса, ҳар йили 50 миллиард м³ дан ошиши мумкин.

ХУЛОСА

Қудратли энергетика салоҳияти ва энергетика соҳасидаги ҳамкорликнинг муваффақиятли ривожланиши ШХТга қузатувчи давлатлар бўлган янги аъзоларнинг (масалан, Саудия Арабистони, БАА, Қатар) кириши орқали ташкилотни янада кенгайтириш учун асос бўлади. Жаҳон энергетика сектори учун жуда муҳим бўлган мамлакатларнинг ШХТга аъзо бўлиши халқаро ассоциация ривожланишидаги яна бир мантикий қадам бўларди ва ниҳоят ШХТга “дунё кўпчилиги” етакчиси мақомини таъминлайди.

Жаҳондаги геосиёсий ўзгаришлар шароитида ШХТга аъзо давлатлар ўзаро муносабатлари муҳитида мамлакатларга собиқ мустамлака ёки “учинчи дунё” давлатлари сифатида эмас, балки суверен ва жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли иштирокчилари сифатида қаралиши ўз навбатида, ташкилотни янада адолатли, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-маданий жиҳатдан плюралистик бўлишини таъминлайди. Айнан шундагина, ШХТ, БРИКС каби кўплаб янги институтлар ва ташкилотлар сиёсий, ижтимоий-иқтисодий дунё тартибининг янги архитектурасини шаклланишида муҳим рол ўйнаши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мигранян А.А., Сокольников М.А. Анализ динамики цен на нефть и газ // Постсоветский материк. Специальный выпуск. Геоэкономика энергетики. 2018. № 1.
2. Шавина Е.В. Энергетическое сотрудничество в рамках ШОС: тенденции и перспективы//Постсоветский материк. №2., 2018 – С. 110-117.
3. Agreement on the Establishment of an International Transport and Transit Corridor among the Governments of the Republic of India, the Islamic Republic of Afghanistan and the Islamic Republic of Iran. URL: <http://mea.gov.in/Portal/LegalTreatiesDoc/016P2941.pdf>
4. Стратегия развития Шанхайской организации сотрудничества до 2025 г. URL: <http://static.kremlin.ru/media/events/files/ru/a3YPpGqLvQI4uaMX43IMkrMbFNewBneO.pdf>
5. Christopher, Len. 15 - Energy Security Cooperation in Asia: An ASEAN-SCO Energy Partnership? // Energy Perspectives on Singapore and the Region. ISEAS-Yusof Ishak Institute, 2007.
6. 20 лет ШОС: трансформация в глобальном и региональном измерении // РСМД. 20.09.2021. URL: <https://russiancouncil.ru/blogs/rsuh/20-let-shos-transformatsiya-v-globalnom-i-regionalnom-izmerenii/>